



Tadqiqot **UZ**

**ЎЗБЕКИСТОН
ОЛИМЛАРИ ВА
ЁШЛАРИНИНГ
ИННОВАЦИОН
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТАДҚИҚОТЛАРИ
МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

2021

- » Ҳуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидаги изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



31 DEKABR
№35

CONFERENCES.UZ

**“ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМЛАРИ ВА
ЁШЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАРИ”
4-ҚИСМ**

**«ИННОВАЦИОННЫЕ НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
УЧЕНЫХ И МОЛОДЕЖИ УЗБЕКИСТАНА»
ЧАСТЬ-4**

**«INNOVATIVE SCIENTIFIC AND PRACTICAL
RESEARCH OF SCIENTISTS AND YOUTH OF
UZBEKISTAN»
PART-4**

ТОШКЕНТ-2021



УУК 001 (062)
КБК 72я43

“Ўзбекистон олимлари ва ёшларининг инновацион илмий-амалий тадқиқотлари” [Тошкент; 2021]

“Ўзбекистон олимлари ва ёшларининг инновацион илмий-амалий тадқиқотлари” мавзусидаги республика 35-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 декабрь 2021 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2021. - 15 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шоҳида Юсуповна (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети)

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Ҳамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Муסיқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Раҳмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25.География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

**СОЦИОЛОГИЯ ВА ПОЛИТОЛОГИЯНИНГ
ЖАМИЯТИМИЗДА ТУТГАН ЎРНИ**

1. Ахмедова Раъно Азиз қизи НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН АЁЛЛАРГА ИЖТИМОЙ-ҲУҚУҚИЙ, ПСИХОЛОГИК ВА МОДДИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ ТИЗИМИДАГИ МАВЖУД МУАММОЛАР	7
2. Сафарова Мархабо Халимовна ЁШЛАР ПАРЛАМЕНТАРИЗМИ МИЛЛИЙ ТАЖРИБА	11



СОЦИОЛОГИЯ ВА ПОЛИТОЛОГИЯНИНГ ЖАМИЯТИМИЗДА ТУТГАН ЎРНИ

НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН АЁЛЛАРГА ИЖТИМОЙ-ҲУҚУҚИЙ, ПСИХОЛОГИК ВА МОДДИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ ТИЗИМИДАГИ МАВЖУД МУАММОЛАР

Ахмедова Раъно Азиз қизи
Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва
истикболли кадрларни тайёрлаш
институтини PhD докторанти
Телефон: +998977430566
rano_nizamova@yahoo.com

АННОТАЦИЯ. Бугунги кунда ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари долзарб ҳисобланиб, бу масалада ногиронлиги бўлган аёлларни жамиятга интеграциялаш ва тенг шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш тизимлари фаолияти самарадорлигини текшириш мақсадида тадқиқот ўтказилган бўлиб, ушбу мақолада натижаларга асосан тизимлардаги мажбур муаммолар таҳлили келтирилган.

КАЛИТ СЎЗЛАР: ногиронлиги бўлган аёллар, яққаланиш, камситилиш, интеграция, ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш тизимлари, социологик тадқиқот.

Социологларнинг маълумотларига кўра, айти пайтда бир миллиарддан ортиқ одам ногиронлик муаммосидан азият чеқмоқда, бу дунё аҳолисининг 15 фоизини ташкил қилади [1]. 1970-йилларда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти худди шундай тадқиқот ўтказганида, бу кўрсаткич 10%га етмасди [2]. Нафақа ёшидаги одамлар ногиронликка кўпроқ мойил, лекин улар ўртасида болалар ва айтиқса, аёллар бу муаммодан ҳимояланмаган.

Дунёнинг кўплаб мамлакатларида ногиронлиги бўлган шахсларга юк сифатида қаралади, чунки улар ижтимоий ҳимоя дастури бўйича беқул таъминланади ва бошқа бир қатор давлат имтиёзларга эга бўлган имтиёзли ижтимоий гуруҳни ифодалайди. Шу билан бирга, ногиронлиги бўлган шахслар бутун дунё бўйлаб жамиятнинг энг яққаланган ва эътибордан четда қолган қатлами ҳамдир.

Ногиронлиги бўлган аёллар мунтазам равишда жинси, ногиронлиги ва кўпинча камбағаллиги бўйича камситилади, шунингдек, салбий муносабат ва стереотипларга дуч келадилар. Кўп ҳолларда уларнинг асосий эҳтиёжлари қондирилмайди, жумладан, соғлиқни сақлаш, уй-жой, таълим, транспорт, касб-ҳунар таълими, ишга жойлашиш, даромад олиш имкониятлари ва бошқа ижтимоий ва жамоат тадбирларида иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум.

Шу сабабли, ногиронлиги бўлган аёлларнинг ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш тизимини ўрганиш мақсадида социологик тадқиқот ўтказилди.

Тадқиқот доирасида Республиканинг 4 та ҳудудларидан: **Тошкент шаҳри (21%), Навои (24,3%), Жиззах (31,9%) ва Самарқанд (20,5%)** вилоятларидан жами 210 нафар респондент (ногиронлиги бўлган аёллар) қамраб олинган.


Тадқиқотда 10 ёшдан 70 ёшгача бўлган ногиронлиги бўлган аёллар иштирок этган бўлиб, **62,9 фоиз** – 2-гуруҳ ногиронлиги, **33,8 фоиз** – 1-гуруҳ ва **3,3 фоиз** – 3-гуруҳ ногиронлиги бўлган аёл респондентлар қатнашди.

58,1 фоиз респондентлар болалигидан, яъни туғма ногиронлигини ва **28,1 фоизи** эса умумий касаллик туфайли ногирон эканлигини таъкидлаган. Шунингдек, **9,5 фоиз** респондентларнинг ногиронлиги бошқа сабабларга боғлиқ бўлса, уларнинг **2,4 фоизи** меҳнат фаолиятидаги жароҳат туфайли ва **1,9 фоизи** касбий касалик оқибатида ногиронлик орттирган.



Юқорида олинган маълумотлардан кўриниб турибдики, туғма ногиронлиги бўлган аёлларнинг сони аксариятни ташкил этади. Хусусан, ҳаёт давомида ногиронликни орттирганларнинг сони сезиларли даражада кам. Бу ўз йўлида, пренетал давр билан боғлиқ соғлиқни сақлаш тизимидаги оқсалишлардан далолат беради. Яъни, бола онанинг қорнидалигида унинг ривожланишидаги мавжуд патологиялар ўз вақтида аниқланмаслиги ногиронлиги бўлган шахслар сонининг ортишига олиб келади.

1-диаграмма




Тадқиқот доирасида, аҳолига ёрдам кўрсатиш тизимларидаги мавжуд муаммолар тадқиқ этилди. Тадқиқот натижаларига кўра, респондентларнинг ярмидан ортиғи моддий таъминот (58,6%) ва тиббий хизмат (57,1%) соҳаларидаги муаммолар қийнаётганини таъкидлаган. Дори-дармон (44,3%) ва уй-жой (41,4%) билан боғлиқ муаммолар ҳам етакчи ўринларни эгалламоқда.

Шу билан бирга, респондентларнинг 23,8 фоизи – ишсизлик ва 15,2 фоизи озиқ-овқат, 9,5 фоизи моддий ускуналар етишмаслиги ҳамда 7,6 фоизи – таълим билан боғлиқ муаммолардан азият чекмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бир-бири билан кесишаётган муаммолар мавжуд. Хусусан, уй-жой билан боғлиқ муаммолар орасида уй-коммунал тўловларини амалга оширишда ва уй харид қилиш ёки уйни таъмирлаш эҳтиёжи мавжудларда – **моддий етишмовчиликлар мавжуд**. **Тиббий хизматлар соҳасидаги қийинчиликлар** эса дори-дармонларга боғлиқ муаммолар билан кесишмоқда. Лекин тиббий хизматлар ўз ўрнида, яна моддий қийинчиликлар туфайли хизматларга эришиш имкониятини пасайтирмоқда.

2-диаграмма

Бугунги кунда сизни қийнаётган энг асосий муаммолар нима?





Респондентларнинг хизматларга нисбатан эҳтиёжлари ўрганилиши натижасида, моддий ва тиббий хизматларга эҳтиёж – тенг равишда **70,5 фоиз**ни ташкил этиб, ногиронлиги бўлган аёллар орасида булар энг долзарб муаммо эканлиги тасдиқланди.

Шунингдек, **41,9 фоиз** кўрсаткичи билан – психологик хизматга талаб мавжудлиги, кўнгиллилар ёрдами (**16,7%**) ва ишга жойлашишга (**14,8%**) эҳтиёжлари ҳам қондирилмаётганлиги олинган натижаларда ўз аксини топди.

Тадқиқотда иштирок этган ногиронлиги бўлган аёлларнинг аксарияти ўз ҳуқуқлари, ижтимоий хизматлар, имкониятлар ва имтиёзлар ҳақида телевизор (**76,7%**) ва интернет (**61,4%**) орқали, 1/3 қисми эса қўшнилар, дўстлар ва танишлардан (**31,9%**) маълумотларни олса, аксинча атиги **1 фоиз**и уларни ижтимоий ходимлардан, **5,2 фоиз**и эса соғлиқни сақлаш ходимлари ва **9 фоиз**и ногиронлар жамияти томонидан олар экан.

Бундан хулоса қилиш мумкинки, давлат ташкилотлари ва давлат органларида ишловчи ходимлар ўзининг функционал вазифасини юқори даражада уддаламаяпти.

3-диаграмма

Қайси манбалардан ҳуқуқларингиз, ижтимоий хизматлар, имкониятлар ва имтиёзлар ҳақида маълумотларни оласиз?



Респондентларнинг **75,7 фоиз**и – ижтимоий, ҳуқуқий, психологик ёки моддий ёрдам билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда биринчи навбатда маҳаллага, ярмидан кўпи (**56,7%**) ҳокимиятга, ва **28,6 фоиз**и – соғлиқни сақлаш органларига мурожаат қилишини таъкидлаган.

Шу билан бирга, тадқиқотда қатнашган ногиронлиги бўлган аёлларнинг **5,7 фоиз**и – қаерга мурожаат қилишни билмаслигини таъкидлаган бўлса, уларнинг фақат **2,4 фоиз**и – ҳеч қаерга мурожаат қилмаган.

Хусусан, ярмидан ортиқ (**67,1%**) респондентларнинг юқоридаги ташкилотларга мурожаати қисман ҳал этилган бўлса, уларнинг **16,7 фоиз**ига муаммо ечим топишида ёрдам кўрсатилмаган. Ва фақат **16,2 фоиз** респондентларнинг мурожаати муваффақиятли ҳал этилган.

Тадқиқотда иштирок этган ногиронлиги бўлган аёлларнинг деярли ярми (**48,1%**) – психологик ёрдамга муҳтожлик сезган, ва аксинча **51,9 фоиз**и – бундай хизмат турига муҳтож бўлмаган.

Шу билан бирга, респондентлар таклиф этилган барча психологик хизмат турларидан деярли тенг равишда фойдаланган. Бунда, психологик реабилитациядан (издан чиққан ёки йўқолган функцияларини руҳий тиклаш) – **31 фоиз**, психоконсултациядан (психологга индивидуал мурожаат) – **29,5 фоиз**, жамоавий психологик ёрдам (психолог билан умумий давра суҳбати) – **26,7 фоиз**, тиббий психологик ёрдамдан (тиббиёт психиатри орқали) – **20 фоиз** респондентлар фойдаланган.



Бундан ташқари, **21 фоиз** респондентлар психологик хизматлардан фойдаланмаганлигини таъкидлаган.

46,7 фоиз респондентлар моддий ёрдам олишини, **53,3 фоизи** бунинг аксини таъкидлаган. Уларнинг деярли ярми (**43,3 фоизи**) моддий ёрдам олмаслиги кейинги саволда тасдиғини топди. Шу билан бирга, бир марталик ёрдам олганлар **8,1 фоизни** ташкил этган.

Тадқиқот доирасида ногиронлиги бўлган аёллар эҳтиёжларини баҳолаш меъзонлари таклиф этилган бўлиб, унга кўра, **ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, психологик, тиббий ва таълим хизматларининг сифати ва даражаси**, шунингдек, хизматлардан фойдаланиш қулайлиги, хизмат турларидан фойдаланиш жараёнида тўсиқ ва муаммоларга дуч келиниши ҳолати, хизматларнинг нархи ва хизматлардан мамнунлик даражаси **респондентларнинг аксарияти томонидан ўртача – 3 (қониқарли) баҳоланган.**

Тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда хулоса қилиш мумкинки, ногиронлиги бўлган аёллар ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш тизимлари фаолияти тизимини тубдан такомиллаштириш лозим.

Ногиронлиги бўлган аёллар ҳаётини яхшилашда, жамиятга интеграциялаш, уларнинг ҳуқуқларини амалда таъминлаш ва уларга нисбатан бағрикенгликни тарбиялашга қаратилган чора-тадбирларни самарали амалга ошириш механизминини йўлга қўйиш лозим. Шу билан бирга, бундай гуруҳга алоҳида ёндашув кераклиги, уларнинг барчаси чекланмаган ҳолда тўлақонли ва бахтли ҳаёт кечириш ҳуқуқига эгаллигини ёдда тутиш муҳим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Цели в области устойчивого развития: задачи в области здравоохранения/ Инвалидность. ВОЗ, 2020.
2. Глобальная инвалидность. Цифры и факты. ООН, 2012.



ЁШЛАР ПАРЛАМЕНТАРИЗМИ МИЛЛИЙ ТАЖРИБА

Сафарова Мархабо Халимовна

Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Давлат бошқаруви академияси
катта ўқитувчиси
Телефон: +998(90) 3576604
markhaboj@gmail.com

Анотация. Ушбу мақолада ёшлар парламентида ёш авлод вакилларининг иштироки орқали ёшлар сиёсатини амалга оширишда ёшларнинг давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро ҳамда Ўзбекистонда ёшлар ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ва маҳаллий даражада қарор қабул қилишда ёшлар парламентаризмининг ўрни ўрганилди.

Калит сўзлар: парламентаризм, ёшлар, ёшларга оид давлат сиёсати, ёшлар иштироки, “Иштирок пиллапоёси”, сиёсий маданият, ҳуқуқий онг

Жаҳон тажрибасида XX асрнинг иккинчи ярмидан жамият ва ёшлар ўртасидаги муносабатларнинг учинчи босқичи бошланди. 40-йилларнинг охири-50-йилларнинг бошларида илмий-техника инқилоби натижасида, дастлаб Ғарбнинг ривожланган мамлакатларида шаклланган ўзгаришлар (“Ёшлар тартибсизликлари”, “Талабалар инқилоби”) дунёнинг деярли барча мамлакатларига тарқалди.¹ Шунингдек, XX аср давомида ёшлар патернализм сиёсати билан курашишга мажбур бўлишди, чунки бу сиёсат ёшларни тарихий воқеликнинг субъекти эмас, таъсир объекти қилиб қўйган эди ва ёшларнинг ривожланиши ҳамда ўз-ўзини рўёбга чиқара олиши учун имкониятларини яратмаган.

XX аср Европа ва Америка мамлакатлари тарихи аниқ ижтимоий тизимлар ёшларни ўсмир ва ўспиринлик даврида самарали шаклланишида тўсиқларни бартараф этиш учун махсус механизмларни яратилиши шарт эканлигини исботлади. Шундай қилиб, ёшлар жамият ижтимоий таркибида жуда кўзга кўринарли гуруҳга айланиб борди ва барча мамлакатларда маълум бир ёшлар сиёсатидаги трендлар миллий сиёсатни шаклланишида таъсирини кўрсата борди.² Шу сабабли, хорижий мамлакатлар тажрибасида ёшларга нисбатан мақсадли давлат сиёсати шу асрнинг 50-60-йилларида ривожлана бошлади.

Аввало ёшларга оид давлат сиёсати ҳар бир давлатнинг ички сиёсати бўлиб, ёшлар ва давлат ўртасидаги муносабатларни мақсадга мувофиқлаштирилишига хизмат қилади. Шунингдек, ёшларга оид давлат сиёсати турли давлатларда ўз олдига қўйган вазифаларига кўра ҳам нисбатан фарқланади. Айрим мамлакатларда ёшлар сиёсатида асосий вазифа сифатида ёшлар ижтимоий муаммоларини олдини олиш ва бартараф қилиш белгиланган бўлса, баъзи мамлакатларда ёшларнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва таълим соҳасидаги имкониятларини оширишга кучли эътибор қаратилади.

Бугунги кунда кўпгина давлатларда ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш масаласига ёшлар сиёсатининг муҳим йўналиши ҳисобланади. Кучли фуқаролик жамиятини қуришнинг муҳим шартларидан бири бу фуқароларнинг аввало, ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ҳисобланади. Ижтимоий жараёнларнинг фаол аъзоси бўлган ёшларгина мамлакат келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олади. Шу сабаб, аксарият Европа давлатлари ёшлар сиёсатини амалга оширишда ижтимоий фаоллик масаласига урғу беради.

1992 йилда социолог Рожер Харт манипуляциядан тортиб, ёшларни шерик сифатида муносабатда бўлган саккиз турдаги ёшлар иштирокини аниқловчи «иштирок пиллапоёси»ни ишлаб чиқди. «Харт пиллапоёстга»га кўра ёшлар ва катталар ўртасидаги ўзаро муносабатларда манипуляция қилиш, декорация ва расмий шаклда фойдаланиш эмас, уларни барча жараёнлардан хабардор қилиш, маълумотларни тўлиқлигича етказиш билан бирга, улар ўз манфаатларига таъсир кўрсатадиган ёки таъсир қилиши мумкин бўлган қарорларни ишлаб чиқишда иштирок этиш, янги ташаббуслар, фикрлар ва қарашларни илгари суриш ва амалга оширишда бевосита иштирок этиш даражаларини белгилади.

1 Белл Д. Традиции постиндустриального общества. – М., 1999.

2 Лунева Е.В., Фомичев К.А. Молодежь в информационном обществе: монография. Курган: Изд-во Курганского гос. ун-та, 2014.



Мамлакатларда ёшлар сиёсатининг мавжудлиги ёшларни фаоллаштиришнинг асосий механизмларидан бири ҳисобланади. Қолаверса, уларни ижтимоий-сиёсий фаоллаштиришда давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари восита сифатида хизмат қилади. Шундай фаолият Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан мамлакатимиз барча ҳудудларида маҳаллий даражада катта лойиҳалар орқали амалга оширилиб келинмоқда.

2003 йилда ёшларнинг ижтимоий ҳаётда маҳаллий ва минтақавий даражада иштирок этиши тўғрисидаги қайта кўриб чиқилган Европа Хартиясига кўра:

-ёшларнинг маҳаллий ва минтақавий ҳаётдаги иштироки фуқароларнинг ижтимоий ҳаётдаги иштироки глобал сиёсатининг бир қисмига айланиши керак;

- барча саноат дастурларида ёшлар компоненти бўлиши керак;

- ёшлар ва уларнинг вакиллари билан маслаҳатлашувлар ва ҳамкорликка таянган ҳолда иштирок этишнинг турли шаклларида фойдаланиш керак;

- жамиятнинг ночор қатлами, ноқобил оилалардан чиққан оила фарзандларининг иштироки рағбатлантирилиши лозимлиги белгиланган.

Шубҳасиз, ёш фуқароларни қонунчилик жараёнига жалб этиш, уларга ўз ғояларини билдириш ва эшитиш имконини бериш мақсадида кўплаб Европа мамлакатларида ёшлар парламентлари ташкил этилди. Ҳукуматда иштирок этишнинг бу шакли ёшларга ўртасида давлат сиёсатини таъсирчанлигини ошириш, ўз мамлакатада рўй бераётган ўзгаришлар учун масъулиятни ўз бўйнига олиш ва дахлдорликни ҳис этиш имконини берди.

Ёшлар парламентаризми нафақат ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ифодалаш механизми, балки ҳуқуқий ва сиёсий маданиятни оширувчи ижтимоийлашув институти, жамиятда ёшларни сиёсий фаол қатламга айлантириш ҳамда уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билим ва кўникмаларини амалда бойитиш, қонунчилик ва қонун ижодкорлиги жараёнига ёшларни жалб қилиш ва қабул қилинаётган қонунларни ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш орқали уларнинг парламент ҳаётига дахлдорлигини ошириш, шунингдек, мамлакатнинг инсон ресурслари салоҳиятини шакллантириш воситаси сифатида ҳам муҳим аҳамият касб этди.

Вакиллик тизими ёшларнинг ҳар бир гуруҳи вакилини жалб қилиш механизми бўлиб, бу ҳолда яшаш чегараси (жойи) асосида - фаолиятда ва қарор қабул қилиш жараёнида ҳар бир вакилнинг фикрини ҳисобга олиш. Ушбу механизмнинг моҳияти қарор қабул қилиш жараёнида барча манфаатдор томонларнинг иштирокини таъминлаш ва мақсадли аудиторияни ташкилот фаолияти ҳақида хабардор қилиш орқали муносабатларни демократлаштиришдан иборат бўлиб, кичик тизимларни бошқаришнинг муҳим элементи – тизимости мотивациясидир. Демак, *парламентаризм* - бу давлат ҳокимияти тузилиши бўлиб, бунда парламент им-тиёзли мавқега эга бўлиб, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органларнинг функциялари аниқ белгилаб берилади.¹

Ёшлар парламенти эса - қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият органларининг ижтимоий дастури, бир ёки бир неча ёшлар жамоат бирлашмаларидир.²

Европа тажрибасида ижобий ўз фаолиятини амалга ошириб келаётган ёшлар парламентлари³:

Австрия ёшлар парламенти парламент аппарати томонидан «Демократия устахонаси» лойиҳаси доирасида ташкил этилган. Бу 14 ёшдан 16 ёшгача бўлган ёшларга Қонунчилик жараёнини тушуниш имконини берувчи ўйин.

Бельгияда 1991 йилдан буён Ёшлар парламенти ишида 16-19 ёшдаги иккинчи босқич мактабларининг 5-6-синф ўқувчилари иштирок этади. Иштирокчилар сони чегараланмаган. Парламентга сайловлар йўқ.

Бу лойиҳада ўз хоҳишига кўра тўпланадиган гуруҳлар асосий ролни ўйнайди. Ҳар бир гуруҳ кун тартибини белгилайди, муҳокамалар ўтказди. Улар танланган мавзулар бўйича фуқаролик жамияти ташкилотлари вакиллари билан ишлаши, матбуот анжуманларини ташкил этиши мумкин. Йил якунида барча гуруҳлар федерал ёки фламанд парламентида

1 <https://qomus.info/encyclopedia/cat-p/parlamentarizm-uz/>

2 4. Кострова Е. Молодежное парламентское движение как одна из форм молодежного самоуправления // Журнал о выборах. 2008. № 4. С. 10- 15.

3 В статье использованы данные опроса Европейского Центра Парламентских Исследований и Документации, проводившегося в августе 2008 года.



бир кунга учрашадилар. Бундан кўзланган асосий мақсад ёшларнинг сиёсатчилар ишини ва сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнини ўрганишдан иборат. Сайловларга тайёргарлик жараёнида Белгия Сенати турли вилоятлардан келган мактаб ўқувчиларини ҳар чоршанба куни сиёсий арбоблар билан дебатларда иштирок этишга таклиф қилади. Одатда булар 15-18 ёшгача бўлган 50 нафардан иборат гуруҳлардир.

Ҳар йили Белгияда болалар ҳуқуқлари куни муносабати билан парламент БМТ Болалар жамғармаси билан ҳамкорликда, 15 ёшдан 20 ёшгача бўлган ёшлар ва парламент аъзолари иштирокида Болалар жамғармаси томонидан таклиф этилган мавзулар бўйича дебатлар ўтказилади (Масалан, болалар ва қашшоқлик; Белгияда қочқинлар).

Дания ёшлар парламенти 1999 йилда ташкил этилган бўлиб, Дания парламенти ҳомийлигида ўз фаолиятини олиб боради ва унинг иши учун алоқа департаменти масъулдир. 15-16 ёшли данияликлар ёшлар парламентида сайланади. Парламент аъзолари ёшлар парламенти комитетларининг дебатларида иштирок этишлари мумкин.

Данияда барча мактаблар парламентга қонун лойиҳаларини тақдим этиш ҳуқуқига эга, шундан парламент 60 тасини танлайди (58 та Даниядан, 1 та Гренландиядан, 1 Фарер оролларида) ва ёшлар парламенти билан биргаликда ўтказиладиган йиғилишда кўриб чиқилади. Танланган қонун лойиҳалари муаллифлари ёшлар парламенти аъзолигига киришади. Вакиллар сони 178 нафар Дания парламенти аъзолари сонига тўғри келади.

Ёшлар парламенти қонун лойиҳалари парламент Президенти ва Халқ таълими вазирига юборилиб, улардан хулосалар келиши кутилади. Ёшлар парламенти катта имконият ва ўзини рўёбга чиқариш платформаси каби тажрибага эга.

Мамлакатимизда “Жамият – ислохотлар ташаббускори” деган ғоя амалга оширилаётган ислохотларнинг амалий натижадорлигини оширишда, янги ташаббуслар, фикрлар ва қарашларни илгари суришда ёшларимизнинг янада фаолроқ, янада ташаббускор бўлишига эришиш мақсадида, “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” Давлат дастурининг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ҳузурида Ёшлар парламенти ташкил этиш бўйича Сенат Кенгаши қарори, Ёшлар парламенти Низоми қабул қилинди ва Ёшлар парламенти ташкил этилди.

Шу муносабат билан, Олий Мажлиси Сенат ва Қонунчилик палатаси Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ўртасида улар ҳузурида “Ёшлар парламенти”ни ташкил этиш бўйича битим имзоланиб, унга кўра “Ёшлар парламенти” Республика комиссияси, Низоми, Регламенти ва ташкилий тузилмаси тасдиқланди ва 2020 йил 10 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳузурида ташкил этилган Ёшлар парламентининг биринчи мажлиси видеоконференция тарзида ўтказилди.

“Ёшлар парламенти”ни ташкил қилиш ишлари бошлангандан сўнг 11 мингдан ортиқ ёшлар парламентида аъзо бўлиш истагини билдирган ва 5400 кишининг анкетаси ўрганилиб, суҳбат ўтказилган. Албатта, ушбу лойиҳага кўра, Ёшлар парламенти аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги турли йўналишларда фаолият олиб бораётган ташаббускор, юксак маънавиятли, мустақил фикрловчи, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга, кенг дунёқараш ва чуқур билим ҳамда лидерлик салоҳиятига эга 18 – 30 ёш бўлган фуқаролар орасидан гендер тенглик таъминланган ва жисмоний имконияти чекланган ёшлардан ҳам 18-30 ёшгача бўлган фуқаролар орасидан энг муносибларини тавсия этиш ва танлашда сиёсий партиялар иштирок этишган. 1020 нафар ёшлар ўртасида тўрт босқичли суҳбат-сайлов жараёни амалга оширилиб, 250 киши икки йиллик мандат асосида депутатликка сайланди.

Ташкил этилган “Ёшлар парламенти”нинг мақсади, ёшларнинг қонун ижодкорлиги жараёнидаги иштирокини янада кенгайтириш, Олий Мажлис палаталари қўмиталари билан ўзаро алоқаларни йўлга қўйиш, уларнинг қонунчилик ҳамда парламент назоратини амалга ошириш жараёнларида иштирок этишда ва ёшларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг муаммоларини парламент минбарига олиб чиқиш, қонун ижодкорлигига ёшларнинг иштирокини таъминлаш, бўлғуси Сенат аъзолари ҳамда сиёсатчиларни тайёрлаш, ёшларнинг улкан мақсад ва аниқ лойиҳаларга йўналтириб бориш каби вазифаларни олиб боради.

Ёшлар парламентининг ҳар бир аъзоси ўзи истиқомат қиладиган ҳудуд ёшларига тегишли муаммоларини ўрганиб, сабабларини аниқлаб, уни ёшлар ўртасида муҳокама қилади.

2021 йил 13 июль Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларнинг ҳар томонлама



қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6260-сон Фармонида мувофиқ ёшларга оид давлат сиёсатини самарали амалга ошириш мақсадида Олий Мажлис Сенатига халқ депутатлари Кенгашларида «Ёшлар парламенти вакиллари мактаби» ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси билан ҳамкорликда «Биз парламентда ёшларни қўллаб-қувватлаймиз» ташаббусни амалга ошириш, халқ депутатлари Кенгашлари тавсияси асосида ёш, фидойи, азму шижоатли ёшларни Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзоларига бириктириш амалиёти йўлга қўйилади.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, Ёшлар парламенти жамоатчилик асосида тузилган маслаҳат органи сифатида фаолиятини юритиб, мамлакатимиздаги қонун чиқарувчи ва ижро органлари билим, кўникма ва малакага эга кадрлар захирасини шакллантириш механизми ҳамда ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга хизмат қиладиган асосий воситага айлана олади.

Шундай қилиб,

- ёшлар парламентаризми, ёш фуқаролар ва давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги алоқа вазифаларини бажаришдан ташқари, уларнинг сиёсий маданиятини шакллантиришга ижобий таъсир кўрсатади;

– ёшларнинг маҳаллий даражада қарор қабул қилишдаги иштирокини таъминлашда Ўзбекистонда ёшлар парламентаризми муваффақиятли ривожланмоқда;

- Ёшлар парламентаризми ёшлар тарбиясида нигилистик компонентларни олдини олиш механизми сифатида ижобий амалиёти йўлга қўйилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Белл Д. Традиции постиндустриального общества. – М., 1999.
2. Лунева Е.В., Фомичев К.А. Молодежь в информационном обществе: монография. Курган: Изд-во Курганского гос. ун-та, 2014.
3. Кострова Е. Молодежное парламентское движение как одна из форм молодежного самоуправления // Журнал о выборах. 2008. № 4.
4. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-p/parlamentarizm-uz/>

“ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМЛАРИ ВА ЁШЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАРИ”

(4-қисм)

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович

Мусахҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович

Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 31.12.2021

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000
